

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ ЧОРВАЧИЛИГИДА ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)

Сайфудинова Джамила Бадридиновна

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети катта ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Туркистон ўлкаси чорвачилигида ветеринария хизмати тарихидан тарихий манбалар асосида маълумотлар умумлаштирилиб хулосалар қилинган. Чор Россиясининг Туркистон ўлкасида ва Бухоро амирлиги билан келишувлар асосида қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаси бўлган – чорвачилиқда амалга оширилган ташкилий ишлари илмий жиҳатдан тадқиқ етилган. Шунингдек, ветеринария хизмати ва илмининг мазкур даврларда аҳамиятли бўлган олимлари хусусида мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: халқ ветеринарияси хизмати, чорвачилик, йилқичилик, архив маълумотлари, ҳайвонларни хонакилаштириш, ветеринария пункти, ҳарбий медисина бошқармаси, ўлат, куйдирги, манқа, бош шамоллаши, паразитолог.

THE HISTORY OF VETERINARY SERVICES IN LIVESTOCK FARMING OF THE TURKESTAN REGION (LATE 19TH – EARLY 20TH CENTURIES)

Abstract: This article, based on historical sources, summarizes data on the history of veterinary services in the livestock sector of the Turkestan region and draws relevant conclusions. From a scientific perspective, the study examines organizational measures implemented in livestock farming—one of the key branches of agriculture—in the Turkestan region during the period of the Russian Empire, as well as within the framework of agreements with the Bukhara Emirate. In addition, the article presents analytical reflections on the activities and contributions of scholars who played a significant role in the development of veterinary services and veterinary science during the period under consideration.

Keywords: folk veterinary service, livestock farming, horse breeding, archival materials, animal domestication, veterinary station, military medical administration, plague, anthrax, glanders, upper respiratory inflammation, parasitology.

ИЗ ИСТОРИИ ВЕТЕРИНАРНОЙ СЛУЖБЫ В ЖИВОТНОВОДСТВЕ ТУРКЕСТАНСКОГО КРАЯ (КОНЕС XIX — НАЧАЛО XX ВЕКА)

Аннотация: В данной статье на основе исторических источников обобщены сведения по истории ветеринарной службы в животноводстве

Туркестанского края и сделаны соответствующие выводы. С научной точки зрения исследованы организационные мероприятия, осуществлённые в сфере животноводства — одной из основных отраслей сельского хозяйства — в Туркестанском крае в период правления Российской империи, а также в рамках соглашений с Бухарским эмиратом. Кроме того, представлены аналитические суждения о деятельности и вкладе учёных, сыгравших значительную роль в развитии ветеринарной службы и ветеринарной науки в рассматриваемый период.

Ключевые слова: народная ветеринарная служба, животноводство, коневодство, архивные материалы, одомашнивание животных, ветеринарный пункт, управление военно-медицинской службы, чума, сибирская язва, сеп, воспаление верхних дыхательных путей, паразитология.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини юксалтириш жараёнларида миллий ўзликни англаш асосида миллий ва маънавий юксалиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бешафқат давр синовларидан омон қолган нодир маънавий меросимиз ва тарихий маълумотлар асосида жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклашдек муҳим вазифалар давр талаби етиб кўйилди.

Қулай табиий шароитга ега бўлган Ўрта Осиё худудларида ҳозирги мавжуд уй ҳайвонлари энг қадимги даврлардан дастлаб қўлга ўргатилган ва хонакилаштирилганлиги, чорвачилик, йилқичилик ҳамда туячилик тармоқлари ривожланиб, жамият тараққиёти маълум поғоналарга кўтарилишига асосий омил бўлганлиги, шу даврлардан қолган моддий-маданий ёдгорликларда, юнон, лотин, хитой тарихчилари ва сайёҳлари йилномаларида ўз ифодасини топган. Чорвачиликнинг ривожига бевосита боғлиқ бўлган халқ ветеринарияси хусусида маънавий меросимиз гултожи саналмиш “Авесто”даги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб хазиналарида сақланаётган кўплаб бебаҳо илмий маънавий мерос, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат кутубхонасининг “Нодир китоблар” бўлимидаги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивидаги мавжуд тарихий ҳужжат ва маълумотлар езгу ният, яъни Ўзбекистон ветеринарияси тарихини ўрганишдаги дастлабки қадамларга кенг имкониятлар яратди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россисинг Ўрта Осиёда олиб борган истилочилик ҳаракатлари уни уч қисмга, яъни 1867 йилдан Туркистон генерал Губернаторлиги, ярим мустақил Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига ажратди.

Туркистонни бошқариш Россия империясининг бошқа миллий минтақаларида бошқариш тамойиллари каби ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятларини бирга қўшиш, айти хил муассасаларда маъмурий, суд, хўжалик ва бошқа функцияларни бирлаштиришга асосланган еди. Чоризмнинг иқтисодий сиёсати метрополия манфаатларига тўла бўйсундирилган бўлиб,

унинг стратегияси босиб олинган худудларни Россиянинг хом ашёсига айлантириш кўзда тутилган бўлсада, чор ҳукуматининг салтанатпарастлик интилишларига қарамасдан, турли соҳаларда Ўрт Осиё минтақасининг ижтимоий жиҳатдан обектив юксалишига ёрдам берувчи айрим ижобий ўзгаришлар ҳам содир бўлган.⁵²

Ўрта Осиёда азалдан чорвачилик соҳасида ўз ишининг моҳир устамонлари бўлсада, XIX асрнинг 70-йилларига қадар нафақат Туркистон ўлкасида балки Россиянинг Европа қисмида ҳам “ветеринария врачлари” сўзининг маъноси маълум эмас эди.⁵³ Ваҳоланки, Европада, аниқроғи 1762 йил Францияда Лион ветеринария мактабида 29 йил илгари 1733 йилда Россияда биринчилар қаторида ветеринария соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш мактаби очилган.⁵⁴

Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Н.М.Гродеков Туркистонда ветеринария ташкилотининг зарурияти ва унинг ташкилий тузилмалари хусусида биринчилар қаторида фикр билдириб, 1892 йилда Туркистон Генерал Губернатори Кенгаши ва округ ҳарбий-медицина бошқармаси маҳкамасига ўз лойиҳасини тақдим этган бўлсада, маблағ етишмовчилиги сабаб қатор йиллар давомида ветеринария назоратини ташкил етиш ҳамда чорвада кенг тарқалган ўлат ва бошқа касалликларга қарши курашда тўсиқлар мавжуд бўлган.

1901 йил 8 февралда ветеринария мутахассисларининг саъйи ҳаракатлари билан Туркистон ўлкасида 20 та⁵⁵ ветеринария пунктлари ташкил етилган. Пунктлар иш ҳаракатларини бирлаштириб йўналтириш учун Туркистон ўлкаси фуқаровий маҳкамасининг ветеринария бўлими Бошқарувчиси лавозими таъсис етилган.

Ветеринария ишига раҳбарлик Туркистон ҳарбий округи ҳарбий медицина Бошқармасининг ветеринария бўлимида амалга оширилган. Бундан ташқари, ветеринария-санитария ишларини олиб бориш лойиҳаларини ишлаб чиқарувчи ветеринария-полисия Бошқармаси Ички Ишлар вазирлиги қошида фаолият кўрсатган.

Туркистон ўлкасида ветеринария бўлимини тузиш тўғрисидаги Туркистон Генерал-губернаторига ҳарбий-медицина инспектори, ҳақиқий стат-маслаҳатчи (Чор Россиясида 5-даражали мартаба) медицина доктори Тарасевич⁵⁶ тақдим этган ветеринария назорати штатларини тузишдаги икки лойиҳасидан

⁵² Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Т., “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Т., 2002, 105-бет.

⁵³ Романов А. К истории Туркестанской ветеринарии. Газета “Туркестанские ведомости”, 1904 г. 18 январь, № 8.

⁵⁴ Коропов В. Ветеринарное образование в СССР. Государственное издательство сельскохозяйственной литературы. Москва, 1949 г., стр.3.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси МДА, Фонд № И-3, ОП.2, Д.№ 275, л.152

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси МДА, Фонд № И-17, ОП.№1, Д.№ 1796, л.16.

бири ўлка ҳудудларига Осиё мамлакатлари чегараларидан кириб келадиган турли хил касалликлардан сақланиш бўлса, иккинчи лрийҳаўлкада эпизоотик касалликларни тугатиш ҳамда маҳаллий чорвачиликни кўтариш мақсадлари кўзланган. Мазкур мақсадлар, шубҳасиз ўлканинг чорвачилик соҳаси имкониятларни ўзлаштиришга қаратилган.

1897 йил 14 февралда Туркистон Генерал Губернатори Россиянинг Бухородаги Сиёсий Агентига йўллаган кўрсатмасига биноан, Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларидан ташқари Бухоро, Ҳисор ва Петро-Александровск шаҳарларида ҳам ветеринария врачлик пунктлари ташкил этилиши лозимлиги таъкидланган. Ветеринария врачлик пунктлари бир нафар врач, икки нафар фелшер ва уларнинг ҳар бирида бир нафардан таржимонлардан иборат ташкил этилиб, уларга сарфланадиган сарф-харажатлар Туркистон ўлкаси Генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлиги ҳукуматлари хазиналари ҳисобидан ўртада тенг бўлиниши мақсадга мувофиқлиги қайд этилган.⁵⁷

“Туркистон ўлкасида 30 йиллик тажриба шуни кўрсатадики, озиклантиришдаги қинчиликлар туфайли чорва молларининг камайиб бориши кузатилсада, ўлкада бошқа кенг тарқалган хавfli касалликлар қайд этилмади. Албатта, айрим ҳолларда ўлат, куйдирги, манқа, бош шамоллаши чорва молларида учратилган, лекин кенг қамровли қирилиш ҳолати жиддий тарзда кузатилмаган”⁵⁸ деб қайд этилиши, кўп йиллик тажрибага ега бўлган маҳаллий чорвадор аҳоли чорвада учрайдиган турли касалликларга қарши моҳирона кураша олганлигидан далолат беради.

Шу хусусда куйидаги тарихий архив маълумотини келтириш ўринлидир. Туркистон ўлкасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижалари хусусида ветеринария врачлари А.Хорватънинг 1917 йил май ойида ўтказилган ўлка ветеринарлар сездига “Тошкент шаҳри ветеринария ишини ташкиллаштириш”⁵⁹ муаммолари тўғрисидаги маърузасида ўлка чорвачилиги ҳамда ветеринария-санитария ҳолати хусусида танқидий фикрларни баён этади. “Биз руслар ўлкани истило этганимиздан сўнг сарт ва қирғизлар учун нималар қилдик? Мамлакатда чорвачиликнинг ҳаракатланиш йўллари кўрсатдикми? Йилқи ва чорва соғлигини сақлаш учун ветеринария врачлари, зоотехниклар ва уларнинг раҳбарларини бердикми? Йўқ, биз ҳеч нарса бермадик, ҳеч нарсага ўргатмадик, Туркистонда йилқичилик ва чорвачилик ривожланиши қандай паст даражада бўлган бўлса, шундай ҳолатда турибти. 1901 йилда Ички Ишлар Вазирлиги ва бошқа мутассади ҳукумат идоралари томонидан ўлкада Ветеринария қисми Бошқармасининг пунктлари жорий этилган эди. Мазкур ташкилотлар ўлкага қандайдир фойда емас, балки зиён етказдики, маҳаллий

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси МДА, Фонд № И-3, ОП.№1, Д.№ 72, л.4.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси МДА, Фонд № И-17, ОП.№1, Д.№ 1796, л.12

⁵⁹ Хорватъ А. Организация ветеринарного дела в Ташкенте. Газета “Туркестанские ведомости”, 1917 год 18 мая, № 106.

халқ ветеринария врачига ёрдам сўраб мурожаат қилмасдан, аксинча солиқ йиғувчидан қочгандай, ундан узоқлашар еди”⁶⁰

XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида ветеринария хизматининг ташкилий тузилиши ҳамда ветеринария-санитария, даволаш-профилактика тадбир-чоралари сезиларли даражада ўзгарган бўлиб, ўлка, шунингдек, Россия ҳудудларига четдан кириб келадиган турли эпизоотиялардан сақланиш имкониятлари маълум даражада таъминланган.

Туркистонда Россиядан XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида турли йилларда келиб, ветеринария илмини ривожлантиришда самарали илмий фаолият кўрсатган олимлар плеядаси вужудга келган. Ўлкага келиб паразитлар, гельминтоз ва инвазион, инфекцион юқумли касалликларни чуқур ўрганган олимлардан А.П.Федченко, П.Ф.Боровский, Л.Якимов, академик К.И.Скрябиннинг яратган мактабларида 1910 йилдаёқ ветеринар мутахассислар тайёрлаш муҳим аҳамият касб етган. Бу олимларнинг бутун илмий-назарий ва амалий фаолияти, Туркистон ўлкаси кейинчалик Ўзбекистонда ветеринария илму-фани ривожини билан бевосита узвий боғланиб кетади. 1917 йилдан бошлаб академик К.И.Скрябин, академик Е.И.Павловский, йирик олимлар В.А.Догел ва В.Л.Якимовлар раҳбарлигида паразитология фани муаммоларини чуқур ўрганиб, ўзига хос профессионал фан мактаблари шаклланиб, нафақат Россия, балки Туркистон ўлкаси, Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам юзлаб ветеринар мутахассис кадрлар паразитолог, гельминтолог олимларни тайёрлаб бердилар ва Ўзбекистонда ўзига хос ветеринария паразитология, гельминтология фанлари мактабини яратишга имкон яратадилар. Қобилиятли ўзбек фарзандлари бўлган кўзга кўринган арбоблар - Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси мухбир аъзолари бўлиб етишган А.Г.Тўлаганов, М.А.Султонов, И.Х.Иргашев ва профессорлардан - Н.М.Матчанов, Ш.А.Азимов, Р.Х.Хаитов⁶¹ каби таниқли олимлар мазкур мактаблар илмини олдилар. Улар орасидан кейин академиклик даражасига кўтарилган, ветеринария фанининг янада ривожланиб тараққий етиши, халқ таъбири ветеринария хизматининг замонавий ютуқларга еришиб, умумжаҳон аҳамиятига ега бўлган янгиликлар билан бойишида хизматлари чексиз булган ветеринар олим, академик И.Х.Иргашевдир.

Умуман олганда миллий ўлкамизда етишиб чиққан маҳаллий мутахассис кадрлар қадимдан то XX аср биринчи ярмигача бўлган даврда медисина, халқ таъбири ветеринария хизматини назарий, илмий-амалий жиҳатдан бойитиб, ҳозирги замон сивилизасияси талаблари даражасига, Шарқ таъбири таълим тизими Европача ветеринария таълими тизими билан уйғунлашган ҳолда яхлит ветеринария илму-фани даражасига кўтариб, замонавий мутахассис кадрлар тайёрлашда жаҳоншумул аҳамиятга ега бўлган фаолият кўрсатдилар,

⁶⁰ Хорватъ А. Организация ветеринарного дела в Ташкенте. Газета “Туркестанские ведомости”, 1917 год 18 мая, № 106.

⁶¹ Умумий паразитология. С.: 1999. Б.24.

ветеринария маълумотига ега булган ветеринар кадрлар тайёрлаш маконлари булган олий ва урта махсус билим масканларини яратдилар. «Медисина инсонни - ветеринария бутун инсониятни даволайди»⁶² шиорини амалда исбот етдилар.

Шу тариқа медисина, халк табобати ветеринария хизмати Ўзбекистонда илк, узок даврдан XX аср бошларига қадар шаклланиб, ривожланиб, яхлит ветеринария фанига айланиб, узининг келажак тарихий тараққиётига ишонч билан боришига имкон яратилди. Мустақиллик шарофати ила унинг ҳуқуқий асослари мустақамланди, “Кадрлар тайёрлаш” Миллий дастури тамойилларига биноан ватанпарвар – комил ва етук мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ветеринария соҳасини ривожлантириш янги босқичга кўтарилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил, 4-бет
2. Коропов В. Ветеринарное образование в СССР. Государственное издательство сельскохозяйственной литературы. Москва, 1949 г., стр.3;21.
3. Романов А. К истории Туркестанской ветеринарии. Газета “Туркестанские ведомости”, 1904 г.18 январ, № 8.
4. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Т., “Шарқ” нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси Бош таҳририяти. Т., 2002, 105-бет.
5. Умумий паразитология. С.: 1999. Б.24.
6. Хорватъ А. Организасия ветеринарного дела в Ташкенте. Газета “Туркестанские ведомости”, 1917 год 18 мая, № 106
7. Ўзбекистон Республикаси МДА, Фонд № И-3, ОП.2, Д.№ 275, л.152
8. Ўзбекистон Республикаси МДА, Фонд № И-17, ОП.№1, Д.№ 1796, л.16.
9. Ўзбекистон Республикаси МДА, Фонд № И-3, ОП.№1, Д.№ 72, л.4.
10. Ўзбекистон Республикаси МДА, Фонд № И-17, ОП.№1, Д.№ 1796, л.12
11. Ачилов, Т. Н., Хушназаров, А. Х., & Аминжонов, Ш. М. (2025). ПАРАЗИТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ (адабиёт маълумотлари). *GLOBAL TRENDS IN SCIENCE AND INNOVATION*, 1(1), 94-103.
12. Ачилов, Т. Н., Аминжонов, Ш. М., & Хушназаров, А. Х. (2025). ЎЗБЕКИСТОНДА ВЕТЕРИНАРИЯ ПАРАЗИТОЛОГИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ. *Research Focus*, 4(11), 419-425.

⁶²Коропов В.М. Ветеринарное образование в СССР. М.: 1949. С.21.